

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАСАНОВ АБДУМАННОН МАЖИДОВИЧ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИДАГИ ЛЕКСИК ЛАКУНАЛАРНИНГ
ДИАЛЕКТАЛ АСОСЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

| | |
|--|----|
| Ҳасанов Абдуманнон Маждидович Ўзбек адабий тилидаги лексик лакуналарнинг диалектал асослари..... | 3 |
| Хасанов Абдуманнон Маждидович Диалектные основы лексических лакун в узбекском литературном языке..... | 25 |
| Khasanov Abdumannon Majidovich Dialectal foundation of lexical gaps in the Uzbek literary language..... | 49 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works | 53 |

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАСАНОВ АБДУМАННОН МАЖИДОВИЧ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИДАГИ ЛЕКСИК ЛАКУНАЛАРНИНГ
ДИАЛЕКТАЛ АСОСЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Fil1263 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тоғаев Тўлқин Маманазарович
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Мухамедова Саодат Худойбердиевна
филология фанлари доктори, профессор

Усманова Шоира Рустамовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “16” 12 кун соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44 (www.navoiy-uni.uz); e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (851- рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44 (www.navoiy-uni.uz); e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “ 7 ” 12 кун тарқатилди.

(2021 йил “ 7 ” 12 даги 1- рақамли реестр баённомаси).



Ш.С.Сирожиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Н.М.Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув ва интеграция авж олаётган бугунги даврда ҳар бир миллат ўз маданияти ва тилини сақлаб қолишга интилоқда. Ўзлигини сақлашга интилган ҳар бир миллат каби ўзбек халқи ҳам асрлар мобайнида тил софлиги ва равнақи учун курашиб келган. Бу кураш ҳозирда янги Ўзбекистон тараққиётига мос тарзда тадрижий давом этмоқда. Бироқ бугунги даврдаги мафкуравий жараёнлар силсиласини кузатиб бу ҳаракатлар натижадорлигини янада жадаллатиш зарурлигини ҳеч ким инкор этмайди.

Дунё тилшунослигида тил софлигини сақлаш, унинг ички манбалар ҳисобига бойиш жараёнларига онгли аралашув, аслида, ҳар бир миллатнинг ўз тилини сақлаб қолиш, уни келажак авлодга тўқис-туғал етказиш эҳтиёжидан юзага келган. Бугунги кунда тил лексикасидаги бўшлиқларни аниқлаш ва уларни тўлдиришга қаратилган ишларнинг аксариятида тилдаги мавжуд ички имкониятларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу, биринчидан, тилнинг софлигини таъминлаш учун хизмат қилса, иккинчидан, сўз бойлигини орттириш ва ифода имкониятларини кенгайтиришга ҳам хизмат қилиши тилшунослар томонидан эътироф этилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида ҳам бу борада салмоқли ютуқлар қўлга киритилган. Лекин бу ҳали фан учун етарли эмас. Сўнгги йилларда тилшунослик соҳасидаги тадқиқотларда, асосан, тилни унинг яратувчиси – инсон омили билан биргаликда ўрганишга асосланган антропоцентрик парадигманинг анча устуворлашиб бораётганлигини таъкидлаш лозим. Бунинг натижасида тилнинг кўпгина хусусиятлари, амалий имкониятлари инкишоф этилмоқда. “Шу билан бирга, фундаментал тадқиқотларни янада ривожлантириш масаласи бир оз эътиборимиздан четда қолганлиги бугун яққол намоён бўлмоқда”¹. Зеро, ҳар қандай фаннинг изчил ривожини мавжуд илмий-назарий манбалар ва асосларнинг қайта ўрганилишини, такомиллаштиришини ҳам тақозо этади. Шу эҳтиёждан келиб чиқиб, ўзбек тилшунослигининг бугунги кундаги муҳим вазифаларидан бири ҳозирги ўзбек адабий тилидаги лексик лакуна (бўшлиқ)ларни тўлдириш, бу борада шевадаги сўзларни адабий тилга олиб кириш ва шу асосда тил лексикасини бойитишдир. Кейинги даврда ўзбек адабий тили лексикасини шева сўзлари билан бойитиш муаммолари, мазкур жараёнда амал қиладиган қонуниятларни ўрганишга махсус бағишланган ишларнинг камлиги ҳам мазкур масалаларга жиддий эътибор қаратилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 декабрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 171.

ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигининг диалектология соҳасида шеваларни ўрганиш, диалектал ҳодисаларни изоҳлаш, диалектларнинг адабий тил шаклланишидаги аҳамиятини тавсифлаш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилган². Миллий тилшунослигимизда ҳам шева сўзларининг тилни бойитиш ва ифода имкониятларини кенгайтириш жиҳатидан аҳамиятлилигига қадимдан, хусусан, Маҳмуд Кошғарий яшаган даврданок эътибор қаратила бошланган.

Бир неча тилларнинг таъсирига учраган, бироқ ўз аслиятини сақлаб келаётган ўзбек халқ шеваларини ўрганишга сўнгги юз йил давомида катта аҳамият қаратилди. Хусусан, шеваларнинг лексик хусусиятлари Е.Д.Поливанов, Ғ.О.Юнусов, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, В.В.Решетов, Ш.Афзалов, Ҳ.Ғуломов, Т.Мирсоатов, Ю.Алиев, С.Иброҳимов, И.Фармонов, Ў.Шарипов, Н.Ғафурова, И.Шамсиддинов, Ҳ.Узоқов, С.Зуфаров, Т.Йўлдошев, Ҳ.Шарипов, Т.Содиқов, Т.Қудратов, Б.Жўраев, М.Мирзаев, В.Эгамов, О.Тўракулов, Э.Шералиев, А.Ишаев, Н.Ражабов, Ф.Абдуллаев, Э.Ўрозов, Ш.Носиров, Х.Жўраев, Қ.Муҳаммадҷонов, С.Рахимов, Р.Жомонов, Ю.Ибрагимов, А.Шихиев, Н.Шоимова, Р.Йўлдошев, М.Бегалиев, Б.Тўйчибоев, Қ.Қашқирли, С.Ғайбуллаев, А.Аллабердиев каби тадқиқотчилар томонидан тизимли ўрганилди³. Мазкур

² Оруджев А.А. Теоретическое обоснование к “толковому словарю азербайджанского языка”: Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Баку, 1962. – 45 с.; Скворцов Л.И. Взаимодействие литературного языка и социальных диалектов (на материале русской лексики послеоктябрьского периода): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1966. – 18 с.; Кайдаров А.Т. Уйгурские диалекты и диалектная основа литературного языка: Дисс... докт. филол. наук. – Баку, 1969. – 150 с.; Сат Ш. Ч. Формирование и развитие тубинского национального литературного языка. – Кызыл, Тувкнигоиздат, 1973. – 196 с.; Безносикова Л. М. Роль диалектной лексики в формировании словарного состава Коми литературного языка. М.: Наука, 1985. – 110 с. ва б.

³ Поливанов Е.Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. – Т.: Узгосиздат, 1933. – 45 с.; Юнусов Ғ.О. Ўзбек шеваларини таснифда бир тажриба. – Т.: Ўздавнашр, 1935. – 68 б.; Юдахин К.К. Некоторые особенности Карабулакского говора / Ўзбек диалектологиясидан материаллар, Т1. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1957. Б.31-57; Боровков А.К. Ўзбек шева-лаҳжаларини текширишга доир савол-жавоблар. – Т., 1944. – 11 б.; Решетов В.В. Кураминские говоры Ташкентской области (фонетическая, морфологическая система): Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Т., 1951. – 20 с.; Афзалов Ш. Ўзбек тилининг Паркент шеваси: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1952. – 193 б.; Ғуломов Ҳ. Ўзбек тилининг Жиззах шеваси: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1954. – 223 б.; Мирсоатов Т. Ўзбек тилининг қирқ шеваси / ЎзДМ 1-том. – Т.: Фан, 1957. – 244 б.; Алиев А. Ю. Ўзбек тилининг Уйчи шеваси: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1959. – 199 б.; Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хуналар лексикаси. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1959. – 456 б.; Фармонов И. Ўзбек тилининг Ўш шеваси: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1960. – 204 б.; Шарипов Ў. Ўзбек тилининг Поп шеваси: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1962. – 223 б.; Ғафурова Н. Ўзбек тилининг Ниёзбоши шеваси: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1962. – 146 б.; Шамсиддинов И. Каракульский говор узбекского языка: дис. д-ра филол. наук, –Т., 1964. – С. 344; Узоқов Ҳ. Ўзбек тилининг Жанубий Фарғона шевалари (фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари): Филол. фанлари

тадқиқотларнинг аксариятида шева сўзларини адабий тилга қабул қилиш, оммалаштириш борасида ўрни билан таклиф ва тавсиялар берилган. Айниқса, Фитрат, В.В.Решетов, Ш.Шоабдурахмонов, Б.Жўраев, Ф.Абдуллаев, Х.Дониёров, А.Ҳожиев, А.Ишаев, Р.Жомонов, Н.Муродова каби олимларнинг ишларида диалектал сўзларнинг адабий тил лексикасини бойитиш имкониятлари ҳақида салмоқли фикрлар билдирилган⁴.

Икки лексик тизимнинг қиёсланиши, таъсирлашиши ва бир-бирини тўлдириш имкониятларини ўрганиш тилшуносликнинг азалий ва муҳим масалаларидан биридир. Чунончи, тилшуносликда ХХ асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган ва оммалашган лакуна тушунчасининг моҳияти ҳам тилшуносликда жуда эрта анланган. Буюк мутафаккир Алишер Навоий туркий ва форс-тожик тилларини чоғиштириб, бир тилдаги сўзга иккинчи тилда доим ҳам муқобил сўз мавжуд бўлавермаслигини фактик мисоллар орқали кўрсатиб берган⁵. Шунингдек, ғарб тилшунослигида, хусусан, В.Гумбольдт ва Ф.Соссюр қарашларида ҳам тил

номзоди... дис. – Т., 1965. – 230 б.; Зуфаров С. Ўзбек тилининг Сайрам шеvasи: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1966. – 194 б.; Йўлдошев Т. Жанубий Тожикистондаги ўзбек шевалари: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1966. – 244 б.; Шарипов Ҳ. Жанубий Қирғизистон ўзбек шевалари: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1967. – 236 б.; Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеvasи. – Т.: Фан, 1967. – 260 б.; Содиқов Т. Тошкент область ўзбек шевалари лексикаси: Филол. фанлари номзоди ... дис. – Т., 1968. – 279 б.; Қудратов Т. Ўзбек тилининг оралик шевалари (Шахрисабз, Яккабоғ, Чироқчи ва Қамаши районларидаги оралик шевалар материаллари асосида): Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1968. – 263 б.; Жўраев Б. Юкори Қашқадарё ўзбек шевалари (тасниф, текстлар ва луғат). – Т.: Фан, 1969. – 168 б.; Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. – Т.: Фан, 1969. – 156 б.; Эгамов В. Самарқанд областининг Ғаллаорол шеvasи (шеванинг фонетик, грамматик ва лексик хусусиятлари). – Самарқанд, 1970. – 135 б.; Тўрақулов О. Қўқон группа шевалари лексикаси: Филол. фанлари номзоди ... дис. – Т., 1971. – 314 б.; Шерматов А. Қуйи Қашқадарё ўзбек шевалари. – Т.: Фан, 1972. – 168 б.; Шералиев Э. Шимолий-шарқий Тожикистондаги ўзбек шеваларининг лексикаси: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1974. – 423 б.; Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Т.: Фан, 1977. – 176 б.; Ражабов Н. Ўзбек тилининг Ғарбий Самарқанд шевалари. – Т., 1977. – 171 б.; Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. – Т.: Фан, 1978. – 144 б.; Ўрозов Э. Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Т.: Фан, 1978. – 136 б.; Носиров Ш. Ўзбек тилининг Қўқон шеvasи. – Т.: Фан, 1980. – 176 б.; Жўраев Х. Ўзбек тили турк-калтатой шеvasининг фонетик ва лексик хусусиятлари (Самарқанд, Жиззах, Сирдарё областлари материаллари асосида). – Т.: Фан, 1981. – 144 б.; Мухаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари (қорлуқ ва қипчоқ тип материаллари асосида). – Т., 1981. – 179 б.; Раҳимов С. Ўзбек тилининг Сурхондарё шевалари. – Т., 1985. – 96 б.; Жомонов Р. Ўзбек тилининг изоҳли луғати учун диалектизмлардан сўз танлаш принциплари ва уларнинг берилиши: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1991. – 203 б.; Шихиев А. Туркменские говоры Бухарской области. – Нукус: Билим, 1996. – 186 с.; Шоимова Н. Ўрта Қашқадарё желовчи қипчоқ шевалари лексикаси: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1999. – 174 б.; Ибрагимов Ю. Жанубий Оролбўйи ўзбек шевалари тадқиқи: Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2000. – 370 б.; Йўлдошев Р. Тошхөвүз вилоятидаги ўзбек шеваларининг лексик хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. – Т., 2002. – 128 б.; Бегалиев М. Ўзбек тили Қорабулоқ шеvasи: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 2002. – 244 б.; Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил комуси. – Т.: Академнашр, 2012. – 400 б.; Ғайбуллаев С. Қоракўл шеvasининг таровати. – Т.: “Nihol” нашриёти, 2017. – 196 б.; Аллабердиев А. Бухоро ўғуз шевалари лексикаси: Фил. ф. б. ф. д (PhD) дисс. – Т., 2018. – 239 б.

⁴ Фитрат. Тилимиз / Танланган асарлар. IV жилд. – Т.: Маънавият, 2006. – Б.128-131; Решетов В.В. Кураминские говоры Ташкентской области (фонетическая, морфологическая система): Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Т., 1951. – 20 с.; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Т.: ЎзФА, 1962. – Б.316-335.; Жўраев Б. Ўзбек адабий тили ва ўзбек диалектлари. – Т.: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Ўзбекистони сурх” бирлашган нашриёти, 1963. – Б. 15–19.; Абдуллаев Ф. Тил қандай ривожланади? – Т.: Фан, 1972. – Б. 25–26.; Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. – Т.: Фан, 1979. – Б.107–118.; Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараккиёти. III томлик. 3-том (сўз ясаиши ва лексика). – Т.: Фан, 1991. – 188 б.; Ишаев А. Ўзбек диалектал лексикографияси. – Т.: Фан, 1990. – Б. 23–30; Жомонов Р. Ўзбек тилининг изоҳли луғати учун диалектизмлардан сўз танлаш принциплари ва уларнинг берилиши: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т., 1991. – Б.54–135; Муродова Н. Ўзбек адабий тили ва шевалар лексикасининг қиёсий тадқиқи. – Т.: Фан, 2002. – Б.10–24.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Alisher Navoiy. Muhokamat ul-lug‘atayn / To‘la asarlar to‘plami, 10-jild. – Т.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – В. 515-519.

лексикасидаги “бўш катакча”лар ҳақида айрим мулоҳазаларни учратиш мумкин⁶.

Канадалик олимлар Ж.Вине ва Ж.Дарбелне томонидан илмий муомалага киритилган⁷ лакуна тушунчаси рус тилшунослигида чуқур ўрганилган. Хусусан, И.Стернин ишларида лакуна ҳодисасининг лингвистик моҳияти, унинг бир тил ичида ҳам кузатилиши эътироф этилган⁸. Г.Бикова эса лакунанинг воқеланиши, турлари, аниқланиши ва бошқа хусусиятларини рус тили мисолида тавсифлаб берган⁹. Тилдаги лакуна ҳодисасини тавсифлаш ва ўрганиш масалаларига сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигида ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ш.Усманова, Д.Худойберганова, З.Холманова, Н.Исматуллаева каби олималарнинг қарашлари алоҳида аҳамиятга эга¹⁰.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ўзбек тилшунослигида бу борадаги ишлар анча жонланмоқда. Бироқ ҳозирга қадар ўзбек тилидаги лексик лакуналарнинг диалектал асослари, тўлдирилиш имкониятлари ва бу жараёнда амал қилиниши лозим бўлган мезонлар яхлит ҳолда тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади адабий тил лексикасидаги лакуналарни тўлдиришда шева имкониятларини аниқлаш, лексик лакуналарнинг диалектал сўзлар билан тўлдириш меъёрлари ва мезонларини ишлаб чиқиш, ўзбек адабий тилининг бойиши ва ифода имкониятлари ошишида шева сўзларининг аҳамиятини ҳамда адабийлашиш имкониятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тилшуносликда лакуна ҳодисасининг ўрганилиши ва у билан боғлиқ муаммоларга ойдинлик киритиш;

тил лексикасидаги бўшлиқларнинг шева сўзлари билан тўлдирилиш жараёнларини тавсифлаш;

адабий тил ва шевалар лексикаси ўртасидаги лакунарлик муносабатларини изоҳлаш;

лексик лакуналарнинг диалектал сўзлар билан тўлдириш меъёрлари ва мезонларини тавсифлаш;

шева сўзларининг адабий тил лексикасидаги лакуналарни тўлдириш имкониятларини асослаш;

ўзбек адабий тилидаги муҳим лисоний-нутқий аҳамиятли лексик

⁶ Бу ҳақда қаранг: Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – М., 1985. – С. 300-304.; Фердинанд дў Соссюр. Умумий тилшунослик курси (француз тилидан И.Мирзаев таржимаси). – Т.: “Navoiy universiteti” нашриёт-матбаа уйи, 2019. – Б.133-134.

⁷ Vinay J., Darbelnet J. Stylistique comparee du francais et de l’anglais. – Paris, 1958. – P.10

⁸ Стернин И.А. Лексическая лакунарность и понятийная безэквивалентность. - Воронеж, 1997. – С. 18.

⁹ Бикова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии. – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – 276 с.

¹⁰ Худайберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фанлари д-ри дисс. –Т., 2015. – 246 б.; Usmanova Sh. Lingvokulturologiya (darslik). – Т.: Universitet, 2019. – 246 б.; Holmanova Z., Saidahmedova O., Nurillayeva O. Lingvokulturologiyaga oid tushunchalar tadqiqi /monografiya/. – Т., Navro‘z, 2018. – 94 б.; Исматуллаева Н. Хитой ва ўзбек тилларида лакуналарнинг воқеланиши: Фил.ф.б.ф.д (PhD) дисс. автореф.– Т., 2021. – 52 б.

лакуналарни тўлдириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шу кунгача лексик хусусиятлари ўрганилган ўзбек шевалари, уларда мавжуд бўлган, бироқ адабий тил учун лакунар бирлик ҳисобланувчи диалектал сўзлар олинди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек адабий тили учун лакунар бирлик бўлган диалектал сўзларнинг лексик-семантик хусусиятлари, муқояса учун олинган диалектал сўзларнинг лексик лакунани номлаш ва адабийлашиш имкониятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда қиёсий, тавсифий, шунингдек, шева сўзларини адабий тилдаги лексемалар билан қиёслашда компонент таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек адабий тили лексикасидаги бўшлиқларнинг шева сўзлари билан тўлдирилиш жараёнлари адабий тил лексикасининг сўнгги юз йилликдаги тадрижи мисолида очиқ берилган ва мазкур жараёнда амал қиладиган қонуниятлар аниқланган;

тилшуносликда лакуна ҳодисасининг воқеланиши, унинг ёндош тушунчалардан, хусусан, реалиядан фарқланишига ойдинлик киритилган, лексик лакуналарнинг тилда доим учраб туриши, уларнинг англаниши ва тўлдирилиши тил лексикасининг тўқислашувига хизмат қилиши тил ва тафаккурнинг биргаликда ривожланишига боғлиқ тарзда очиқ берилган;

адабий тилдаги лексик лакуналарни шева лексикасига қиёсан аниқлаш меъёрлари белгиланган ҳамда мазкур лакуналарни диалектал сўзлар билан тўлдириш мезонлари ишлаб чиқилган;

шеваларда фаол қўлланилувчи маиший турмуш ва кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ муҳим диалектал сўзларнинг адабий тил лексикасидаги бўшлиқларни тўлдириш имкониятлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

адабий тилдаги лексик лакуналарни тўлдиришга лойиқ диалектал сўзларнинг қиёсий ўрганилиши диалектология, лексикология, лексикография, шунингдек, ўзбек тили тарихи, туркология фанлари учун қимматли илмий-назарий маълумотлар бериши исботланган;

адабий тилдаги лексик лакуналарни тўлдирувчи диалектал сўзларнинг қиёсий ўрганилиши ва уларнинг илмий асосланиши ўзбек адабий тилини бойитиш учун хизмат қилиши далилланган;

лисоний аҳамияти асосланган аксар диалектал сўзлар ўзбек тили изоҳли луғатининг кейинги нашрини янги сўзлар билан бойитишга хизмат қилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган муаммонинг аниқлиги, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, таҳлилга тортилган диалектал сўзларнинг илмий муҳокамалардан ўтганлиги, тавсия этилаётган диалектал сўзларнинг қиёсий усулда илмий ва илмий-оммабоп манбаларга солиштирилганлиги, тадқиқот методологиясининг мукамаллиги, олинган натижаларнинг кенг муҳокамадан ўтказилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили лексикасини бойитишда, диалектология фанларини янги назарий маълумотлар билан тўлдиришда, шунингдек, лакуна билан боғлиқ лингвистик муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, адабий тилдаги лексик лакуна тўлдириш учун тавсия этилган диалектал сўзлар ўзбек тили изоҳли луғатининг навбатдаги нашрларини муҳим ва янги сўзлар билан бойитилишида, шунингдек, адабий тил ва шевалар лексикаси қиёсида аниқланган диалектал сўзлар лакуналар луғати, соф (прогрессив) диалектал сўзлар луғати яратилишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Адабий тил ва шевалар лексикасини қиёслашда аниқланган лексик лакуналар ва уларни тўлдиришга муносиб диалектал сўзлар таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

соҳавий терминларни ўзбекчалоштириш, айниқса, соҳа лексикасида ҳали оммалашиб улгурмаган тушунчаларни ўзбекча номлашга доир амалий ва назарий хулосалардан ФЗ - 202001063 рақамли “Хореографик терминлар изоҳли луғати ва унинг мультимедиа шаклини яратиш” мавзусидаги (2020-2021) амалий лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 25 сентябрдаги 04/1-1729-сон маълумотномаси). Натижада хореографик тушунчаларни номловчи жаққу, мокки, муқомлар, силдирма, чағалак каби сўзлар хореографик терминлар изоҳли луғатига киритилган ва шу орқали соҳага оид айрим тушунчаларнинг ўзбекча номланишига эришилган;

адабий тил ва шевалар лексикасининг фарқланиши, уларнинг ўзаро таъсирлашуви борасидаги илмий-назарий хулосаларидан ПЗ-2017-1024335 рақамли “Ўзбек шеваларининг лингвокультурологик тадқиқи” мавзусидаги (2018-2019) амалий лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 25 сентябрдаги 04/1-1729-сон маълумотномаси). Натижада нашр этилган монография дамқач, кампирўлди, биқтирма, ғилминди, болғиштак каби диалектал сўзларнинг адабийлашув имкониятлари, лингвомаданий хусусиятларига доир илмий маълумотлар билан бойитилган;

адабий тилдаги лексик лакуналар ва уларни тўлдиришга муносиб шева сўзлари ҳақидаги илмий хулосалар ва материаллардан “Ўзбекистон” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан эфирга узатилган “Миллат ва маънавият”, “Адабий жараён”, “Таълим ва тараққиёт” радиоэшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали ДУКнинг 2021 йил 20 майдаги 04-25-769-сон маълумотномаси). Натижада радиоэшиттиришларнинг фактик материаллар билан бойитилишига ва мазмунли бўлишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 9 та мақола (7 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 149 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ойдинлаштирилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, республика фан, технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган, натижаларнинг жорийланиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Тилшуносликда лакуна ва уни тўлдириш муаммолари”** деб номланган. Унда лакуна тушунчасининг тилшуносликда пайдо бўлиши, унинг тил лексикаси тараққиётидаги аҳамияти, шунингдек, ўзбек тилидаги лексик бўшлиқларнинг тўлдирилиши билан боғлиқ жараёнлар таҳлил қилинган.

XX асрнинг иккинчи ярмида тилшуносликда пайдо бўлган лакуна атамаси ва тушунчаси тилшуносликда, хусусан, лингвокультурология, лингвомамлакатшунослик, таржимашунослик, маданиятлараро мулоқот назарияси, маданиятшуносликка оид тадқиқотларда фаол қўлланмоқда. Дунё тилшунослигида лакунани икки тил муқоясасида ўрганиш ва талқин қилиш билан бирга унинг тил ичида ҳам мавжуд бўлишига, бу ҳодисанинг тил тараққиётидаги ривожлантирувчи омиллардан бири эканлигига сўнгги пайтларда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Лакуна термини илк бор канадалик олимлар Ж.Вине ва Ж.Дарбелнелар томонидан илмий муомалага киритилган. Мазкур олимлар лакунага икки тил қиёсида аниқланадиган лисоний ҳодиса сифатида қуйидагича таъриф берган: “Бир тилдаги сўзнинг бошқа тилда муқобили топилмаган ўринларда лакуна ҳодисаси воқеланади”¹¹. Таърифдан ҳам кўриниб турибдики, икки тил муқоясасида аниқланадиган, икки маданият ва тилнинг бирида муқобили мавжуд бўлмаган тушунчани ифодалаш учун мазкур атама қўлланган. Лакуна атамасининг кейинги даврдаги жузъий семантик ўзгаришларга учрашига қарамасдан, асл терминологик хусусиятларини сақлаб қолишида айни шу таъриф бирламчи асос вазифасини ўтаб келмоқда.

Тилшуносликда лакуна муаммоси билан жиддий шуғулланган олимлардан бири В.Гак лакуналарни “тил лексик сатҳидаги бўшлиқлар, бор бўлиши керак

¹¹ Vinay J., Darbelnet J. Stylistique comparee du fraicais et de l'anglais. – Paris: 1958. – P.10

бўлган сўзларнинг мавжуд эмаслиги”¹² деб изоҳлайди. Мазкур изоҳдан сезиш мумкинки, олим тил лексикасини бошқа тил билан қиёсламасдан ҳам ундаги лакуналарни аниқлаш ва баҳолаш мумкинлигини эътироф этади. Албатта, тил лексикасидаги бўшлиқларнинг мавжудлиги тилшунослик илмида аввалдан маълум. Ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий ўзининг “Муҳокамат-ул луғатайн” асарида ҳам туркий ва форсий тилни чоғиштириш орқали муайян тилда айрим тушунчаларни ифодаловчи сўзга бошқа тилда доим ҳам муқобил сўз мавжуд бўлавермаслигини аниқ мисоллар таҳлилида тушунтириб ўтган¹³.

Маълумки, икки лексик тизимни қиёслашда кузатилувчи лингвистик ҳодисалар эквивалентлик ва эквивалентсизлик тушунчалари орқали умумлаштирилади. Лакуна ва реалия ҳодисалари эквивалентсизликнинг таркибий қисми сифатида қиёсланаётган тилларнинг бирида мавжуд бўлмаган бирликни ифодалашга хизмат қилади. Бошқача айтганда, эквивалентсизлик лакуна ва реалия ҳодисаларини умумлаштирувчи гипероним тушунчадир. Мазкур тушунча таркибидаги лакуна ва реалия ҳодисалари бир тилда мавжуд, аммо иккинчи тилда муқобили мавжуд бўлмаган сўзни аташга хизмат қилади.

Тил эгаларига маълум бўлган, аммо алоҳида лексема билан номланмаган тушунча (лакуна), одатда, икки тил лексикасини қиёслашда аниқроқ сезилади. Умуман, бир тилда (бошқа тил билан қиёсламасдан) ҳам лексик лакуналарни аниқлаш мумкин. Масалан, ўзбек тилида транспорт воситаларининг ҳаракатини (тезлигини) секинлаштириш (пиёдаларнинг хавфсизлигини таъминлаш) учун йўлга кўндаланг ўрнатиладиган сунъий бўртиқ ўз номига эга эмас. Ёхуд кўлнинг кафтдан тирсаккача бўлган қисм билан деб номлангани ҳолда тирсакдан елкагача бўлган қисми алоҳида сўз билан номланмаган. Бу каби лексик лакуналар барча тилларда исталганча топилиши мумкин. Чунки онгдаги барча тушунчаларнинг лексема тарзида реаллашиши мушкул.

Бирор тушунчанинг тилда лексемаланиши шу тушунчани номлашга бўлган лисоний-нутқий эҳтиёжга боғлиқ. Тилда муайян номланмаган тушунчанинг релевант (аҳамиятли)лиги ва номлаш зарурати шу тушунчанинг бошқа тил(лар)да номланган-номланмаганлигини ўрганиш орқали баҳолаши мумкин. Аслида, лакуна ҳодисасининг бугунги кунда кенг ўрганилаётгани ҳам мазкур жиҳатларга алоқадор.

Икки лексик тизимни қиёслашда кузатилувчи реалия ҳодисаси муайян миллат учун хос ва аҳамиятли бўлган тушунчаларнигина ифодалаш билан лакуна тушунчасидан жиддий фарқланади. Реалиялар муайян халқнинг цивилизацияси ва маданиятини ташкил этувчи нарса-буюмлар, шахслар, жойлар ва шу халққа оид тарихий жараёнлар¹⁴ номлари бўлиб, улар, одатда, ўзга халқ учун нотаниш тушунчалардир. Реалиянинг муайян миллатга хос тушунчаларнигина қамраб олиши унинг миллий-лисоний бирлик сифатида ўзга тил ва маданият учун ғайритабiiйлигини юзага келтиради¹⁵.

¹² Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. – Ленинград: Просвещение, 1977. – С. 261.

¹³ Бу ҳақда қаранг: Alisher Navoiy. Muhokamat ul-lug‘atayn. To‘la asarlar to‘plami, 10-jild. –Т.: G‘afur G‘ulom NMIU, 2012. – В. 515-519.

¹⁴ Handschin Cf.H. Methods of Teaching Modern Languages. – New York: World Book Company, 1924. P.209

¹⁵ Xolmonova Z., Saidahmedova O., Nurillayeva O. Lingvokulturologiyaga oid tushunchalar tadqiqi /monografiya/. –Т.: Navro‘z, 2018. – В.30.

Лакуна ва реалиянинг ўхшаш жиҳатлари: улар икки тил ва маданиятни қиёслашда сезилади, аниқланади; қиёсланувчи тилларнинг бирида уларга муқобил сўз мавжуд эмас. Муайян бир тил (L1) ва унга қиёсланаётган тил (L2)ни шартли равишда L1, L2 тарзида белгиласак, лакуна L2 тилда ҳам тушунча, ҳам сўз ҳолида мавжуд бўлган аммо L1 тилда фақат тушунча ҳолида мавжуд бўлган бирлик; реалия эса L1 тилда ҳам тушунча, ҳам сўз ҳолида мавжуд бўлган, аммо L2 тилда сўз ҳолида ҳам, тушунча ҳолида ҳам мавжуд бўлмаган бирликдир.

Реалиядан фарқли равишда лакунани англанилиши ва қўлланилиши мумкин бўлган семеманинг лексемасизлиги тарзида тушунилиши бу борадаги изланишларда илмий мўлжални тўғри олинишини таъминлайди. Ҳозирда мазкур йўналишдаги тадқиқотларнинг кўпаяётгани реалия ва лакуна тушунчаларининг қатъий фарқланишига имконият яратмоқда. Бу эса лакуна ҳодисасини бошқа ҳодисалар билан қориштирилмаслигига замин ҳозирлайди.

Бугунги кунда лакуна ҳодисасининг тил лексикасини бойитувчи омил эканлигига ҳам диққат қаратилмоқда. Зеро, лексик сатҳдаги бўшлиқнинг аниқланиши унинг тўлдирилишини ҳам тақозо этади.

Диссертациянинг мазкур бобида ўзбек адабий тилининг шаклланиш жараёнида лексик бўшлиқларнинг тўлдирилишига доир мулоҳазалар ҳам баён этилган. Шунингдек, тил лексикасида лакуналарнинг пайдо бўлиши ва унинг лексик тизим ривожига аҳамияти ҳақида ҳам мунозара юритилган.

Тилнинг замонлар оша яшаши ва инсонларга алоқа воситаси сифатида хизмат қилишида вақт ўлчовининг ҳам ўз таъсири бор. Давр ўтиши билан барча воқелик каби тилда ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлади ва бу табиий жараён сифатида тушунилиши керак. Ўзгариш, янгиланишлар жараёни тилнинг лексикасида янада фаол ва зарурий тарзда кечадики, биз буни ўтмишда ёзилган асарларни ўқишдаёқ дарров илғашимиз мумкин. Тилдаги бу ўзгариш бевосита инсоннинг онгли ва стихияли таъсиридангина эмас, балки ижтимоий онг ва тафаккурнинг узлуксиз ривожига, тилнинг инсон онгига ва эҳтиёжларига мослашиш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда содир бўлади.

Тил лексикасининг ривожланиб бориши имманент тарзда кечса-да, уни барқарорлаштириб, оптималлаштириб туришга уриниш ҳам озми-кўпми ўз таъсирини кўрсатади. Чунки тил ўз соҳиб(лар)ининг “мулк”и сифатида унинг эҳтиёжларига хизмат қилиши лозим. Тил алоқа қуроли сифатида жамиятга хизмат қилар экан, унинг оммабоп, ҳамма учун қулай ва тушунарли бўлиши жуда катта аҳамиятга эга. Айни шу хусусиятни шакллантириш ва сақлаб қолиш учун ҳам адабий тилга эҳтиёж туғилади. “Тилга, унинг ривожланиш ва бойиш жараёнига кишиларнинг ҳозиргидагидек расмий ва онгли аралашуви, унинг ривожланишини бошқаришга ҳаракат қилиши аслида адабий тилни яратишга уриниш билан боғлиқ”¹⁶.

Адабий тилнинг шаклланиши ва ривожланишида унинг лексик нормаларини белгилаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. “Нормалашни эса тилшунослик фанисиз тасаввур этиш мумкин эмас”¹⁷.

¹⁶ Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси (адабий норманинг шаклланиши ва яшаш қонуниятлари). – Т., 1999. – Б. 30-31.

¹⁷ Ҳожиев А. Ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиши ва эски ўзбек адабий тилига муносабати // Ўзбек тили

Ўзбек адабий тилининг лексик меъёрларини тавсифловчи изоҳли луғатларга киритилган шева сўзларининг миқдори ва миқёсига қараб бу борадаги ишлар натижадорлигини баҳолаш мумкин. 1981 йилда нашр этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (кейинги ўринларда – ЎТИЛ)да 715 та шева сўзи қайд этилган. Аниқки, луғат тузувчилар мазкур диалектал сўз (кейинги ўринларда – ДС)ларни адабий тил учун аҳамиятли бўлганлиги учун луғатга киритган. Албатта, “диалектизмларнинг у ёки бу тури изоҳли луғатларда берилади деган сўз, бундай сўзлар адабий тилда қўлланишга, ифода воситаси бўла олишга лойиқ деган маънони ҳам англатади”¹⁸. Бошқача айтганда, бундай эътироф ДСларни адабий тил бирлиги сифатида қўллашга “рухсат беради”. Бироқ луғатга киритилган ДС зарур лисоний қимматга эга бўлмаса, фақат луғат мулки бўлиб қолаверади. Агар у тезда оммалашса, сўзлашув нутқиға кириб борса, демак, уни адабий тил бирлиги деб қараш мумкин.

Маълумки, “норматив луғат тузиш ва унда адабий тил нормаларини тўғри белгилаш учун тилнинг бутун лексик бойлиги ҳамма манбалардан, шу жумладан, диалектлар ва сўзлашув тилидан фойдаланиб танланиши ва пухта ўрганилиши керак”¹⁹. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати учун диалектизмлардан сўз танлаш принциплари ва уларнинг берилиши”²⁰ни 1981 йилда нашр этилган изоҳли луғат мисолида тадқиқ қилган Р.Жомонов мазкур луғатдаги ДСлар миқдорини кам деб баҳолайди. Шунингдек, 500 дан зиёд ДСни мазкур луғатга киритиш учун тавсия этади.

ЎТИЛнинг ҳар икки нусхасини таққослаб унинг кейинги нашри таркибидаги ДСлар улуши ортганлигини кузатиш мумкин (бизнинг ҳисоб-китобимиз бўйича кейинги нашрдаги ЎТИЛда 1177 та ДС қайд этилган; мазкур миқдор олдинги нашрдагидан 1,6 баробар кўпроқ). Мазкур миқдор кўп диалектли ва имкониятли ўзбек тили учун қаноатланарли эмас, бизнингча. Негаки “энг мукамал тузилган луғатлар ҳам барча сўзларни қамраб ололмайди. Чунки тилнинг аста-секин ривожланиш жараёнида унинг луғат состави ҳам такомиллашиб боради”²¹. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда зарур аҳамиятга эга бўлган тушунчаларни номловчи кўплаб сўзлар ЎТИЛга киритилиши керак.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида ўзбек шеваларининг кенг миқёсда ўрганилиши натижасида адабий тил лексикаси учун лакунар birlik бўлган кўпгина шева сўзлари аниқланган. ЎзФА Ўзбек тили ва адабиёти институти томонидан марказлаштирилган диалектологик тадқиқотлар 1981 йилда нашрдан чиққан “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” учун кўплаб прогрессив (соф) шева сўзларини киритилишига замин ҳозирлади.

Изоҳли луғатнинг кейинги нашрларида ҳам мазкур масалага жиддий эътибор қаратилган²². Бироқ тинимсиз ривожланиб бораётган тил лексикаси

ва адабиёти, 1987 йил. – №2, – Б. 4.

¹⁸ Жомонов Р. Ўзбек тилининг изоҳли луғати учун диалектизмлардан сўз танлаш принциплари ва уларнинг берилиши: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1991. – Б. 55

¹⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма. – Т.: Фан, 1964. – Б.11.

²⁰ Жомонов Р. Ўзбек тилининг изоҳли луғати учун диалектизмлардан сўз танлаш принциплари ва уларнинг берилиши: Филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1991. – 203 б.

²¹ Содиқов А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1981. – Б.111.

²² Бу ҳақда яна қаранг: Ҳожиев А. Ўзбек тилининг кўп жылдли изоҳли луғатини тузувчилар учун йўриқнома.

учун бу борадаги ишлар миқёсини бир оз кучайтириш керак, назаримизда. Чунки тил лексикаси софлигини таъминлаш учун жиддий курашилмаса, халқаро ва дунё тиллари унсурлари лексик сатҳдаги бўшлиқларни осонгина эгаллайверади.

Адабий тилдаги лексик лақунани тўлдирилишида тилнинг яшаш ва ривожланиш шакли нутқ жараёни ҳам катта аҳамиятга эга. Зеро, ҳар қандай тил бирлиги нутқ жараёнида шаклланади ва барқарорлашади. Умуман, нутқ тил эгаларининг энг фаол ва зарурий мулоқот жараёни сифатида тил лексикасидаги бор имкониятларни рўй-рост кўрсатиб туради. Шунингдек, тил лексикасидаги имконсизлик, чегараланганлик хусусиятлари ҳам айнан нутқ жараёнида кўпроқ сезилади ва кузатилади.

Тил эгаси муайян шева вакили сифатида нутқ жараёнида юзага келадиган лақуналарни турли йўллар билан бартараф этишга ва ўз нутқининг имкон қадар тўқислаштиришга интилади. Айни шу эҳтиёж сабаб у нутқда кузатиладиган лексик лақуналарни ўз индивидуал лисоний базасидаги сўзлар, айниқса, ўз шевасига хос сўзлар билан тўлдиришга мажбур бўлади. Турли нутқ шаклларида учрайдиган бу каби ҳолатлар адабий меъёрларга хилоф бўлса-да, жорий нутқ вазиятида адресат ва адресантнинг коммуникатив мақсади рўёби учун хизмат қилади.

Нутқ жараёнида муайян тушунчага муносиб ном изланар экан, уни номловчи энг мақбул сўз сифатида нутқ жараёнида иштирок этаётган кишилар учун таниш бўлган сўз танланади. Мулоқотнинг, одатда, бир-бирига яқин ёки бир ҳудудда яшовчи кишилар томонидан амалга оширилиши жорий нутқда шу ҳудуд шевасидаги сўзлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Бундай вазиятда адабий тил нормаларини яхшигина англаган киши ҳам шевага хос лисоний имкониятлардан ўринли фойдаланишга мойил бўлади. Бу жиҳат ҳам нутқ жараёнининг тил лексикасидаги бўшлиқларни тўдирилишида катта имкониятларга эга эканлигини тасдиқлайди.

Лексик сатҳдаги бўшлиқларни ўзга тилга хос сўзлар билан тўлдириш у қадар ўзини оқламайди. Аслида бу ҳолат муайян тил лексикасининг софлиги учун жиддий хавфдир. Таржима жараёнида аниқланадиган лақуналарни хорижий тилга хос сўз билан тўлдириш кабилар эса тил ривожини учун таҳдид сифатида баҳоланиши керак. Албатта, барча тилларга кириб бораётган интернационал сўзларга ортиқча ғашлик билан қараб бўлмайди, бироқ бу борада ҳам муайян меъёрга амал қилиш зарар қилмайди.

Тил лексикасидаги мавжуд лақуналарни тўлдиришни мақсад қилган ҳар қандай зиёли, биринчи навбатда, мазкур лақунани тўлдириш имкониятига эга бўлган сўзни тилнинг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда бартараф этишга интилади. Айни шу жиҳатдан улар, одатда, шева сўзларидан ёки сўз ясаш тизимидан фойдаланилади. Профессор Н.Маҳмудов ҳақли таъкидлаганидек, “халқ шеваларидан, айни пайтда ўзбек тилининг ўз холис ясашиш имконларидан фойдаланиб иш кўрилса, тилимизнинг табиий такомилени таъминламоқ мумкин бўлади”²³.

– Т., 2000. – Б. 4.

²³ Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2012. – Б.77.

Тилдаги лексик лакуналарнинг ўз вақтида аниқланиши ва ички имкониятлар асосида тўлдирилиши тил эгалари лисоний имкониятлари тўқислашувига ва тилнинг ўз аслиятини сақлаб қолишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Тадқиқот ишининг **“Ўзбек адабий тили ва шевалар лексикаси қиёсида аниқланадиган лексик лакуналарни тўлдириш тамойиллари”** деб номланувчи иккинчи боби шевалар ва адабий тил ўртасидаги лакунар ўринларни аниқлаш ва адабий тил учун муҳим бўлган лексик лакуналарни ДСлар билан тўлдириш мезонларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Адабий тил учун шева сўзлари орасидан энг мақбуллари саралаш жараёнида жуда кўп сўзлар адабийлашмасдан қолиб кетади. Бу сўзлар маълум шевада вақтинча яшаса-да, кейинчалик адабий тилдаги муқобилининг фаоллашуви сабаб қўлланишдан тўхташи ҳам мумкин. Шу боис бу каби сўзларни шева луғатларида қайд этиб бориш жоиз. Зеро, улар ҳам тил бирлиги сифатида муайян лисоний масалаларнинг ечимида муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Шеваларнинг бир-биридан ва адабий тилдан фарқланишини тадқиқ қилиш, уларнинг ўзаро фарқланиши омилларини топиш диалектологик тадқиқотларнинг муҳим қирраси саналади. Кузатишлардан маълум бўладики, бу сабабларнинг аксарияти мураккаб ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, жуғрофий-тарихий илдизларга эга.

Адабий тил лексикасининг шевалар луғат бойлигидан фарқланишида адабий тилнинг умумийлик, меъёрийлик, сайқалланганлик, сараланганлик хусусиятлари муҳим роль ўйнайди. Халқ шеваларида тилнинг барча имкониятлари реаллашади, зарур ва керакли тушунчалар ўз номига эга бўлади. Шу боис адабий тил шевалардан озикланади.

Адабий тил умумхалқ тилининг даврлар мобайнида ишланган, сайқал бериб силликланган кўринишидир. Шу боис адабий тилга қабул қилинган ДСлар ҳам анча вақт давомида сўзлашувда, ёзма манбаларда, хусусан, адабий асарларда фаол қўлланилиши ва кенг омма учун тез тушуниладиган даражага етиши ҳам талаб қилинади. Бу эса адабийлаштириш учун тавсия этиладиган ДСларни саралаш ва асослашда ҳам муайян тамойилларга таяниш кераклигини англатади. Бизнингча, адабий тилдаги лексик лакуналарни ДСлар билан тўлдиришда қуйидаги меъёр ва мезонларга алоҳида диққат қаратиш зарур:

1. Адабий тилдаги лексик лакуналарни ДСлар билан тўлдиришда айнан адабий тил ва шевалар лексикаси қиёсида аниқланган лексик лакунани, яна ҳам аниқроқ айтганда, муқояса жараёнида адабий тил учун лакунар бирлик бўлган ДСни таҳлилга тортиш керак. Зеро, мазкур муқояса натижасида адабий тил лексикасида лакуна сифатида баҳоланган ўрин (бўшлиқ) ҳамда шу ўринга муносиб ДС бир вақтда аниқланади. Бу эса қаралаётган ДСнинг мазкур ўринга не чоғли муносиб эканлигини тавсифлашга ҳам ёрдам беради.

2. Адабий тилдаги лексик лакунани тўлдираётган ДС адабий тил бирликларининг аксар хусусиятларини ўзида мужассамлаштира оладиган даражада имкониятли бўлиши керак. Яъни, лексик тизимга кирадиган янги сўз шу тизим хусусиятларини ўзида намоён этиши, бошқа элементлар билан лексик-

грамматик алоқага кириша олиши лозим²⁴. Айни хусусиятларни ўзига мужассам эта олмаган ДСнинг адабий тил лексикасида “яшаб” қолиши мушкул.

3. Тилдаги муайян лакунани номлаётган ДС ижтимоий ва лисоний жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиши лозим. Жуда тор соҳада қўлланилувчи, омма учун етарли даражада муҳим бўлмаган тушунчаларни номловчи сўзнинг тилда оммалаштиришга уриниш ярамайди. Хусусан, ипак куртининг ипак ўрай бошлашини ифодаловчи *парши* ДСи у қадар катта ижтимоий аҳамиятга эга эмас. Гарчи бу сўз муайян жараёни номласа-да, бутун халқ учун катта аҳамият касб этмайди. Чунки ипакчилик билан шуғулланувчи кишилар бутун халқнинг жуда кичик улушини ташкил этади.

4. Лексик лакунани тўлдирувчи ДС қўллашга қулай, иложи борича соф ўзбекча ва айни дамда кенг оммалаштиришга имкониятли бўлиши лозим. Айниқса, бу борада эски ўзбек тилида (ёки туркий тилда) қўлланилган сўзларга алоҳида имтиёз бериш тўғри йўлдир. Бу орқали тилимизнинг софлиги таъминланиши баробарида ўзбек тилининг туркий тиллар билан уйғунлашуви ҳам бир оз кучаяди. Мисол учун, тозаланмаган, йиғиштирилмаган жойдаги кир, чанг, чиқинди кабиларни номловчи *қоқъм* сўзи соф туркона ва айни дамда ўзбек халқининг аксариятига тушунарли бўлган сўзлардан биридир. Бу сўзнинг унга ёндош тарзда қўлланилувчи *қўқимоқ* феъли асосидан ясалганлиги ҳам кўпчиликка маълум. Бу эса мазкур хусусиятга эга бўлган сўзларнинг ҳеч иккиланмасдан адабий тилга олиб кириш мумкинлигини кўрсатади.

5. Лексик лакунани тўлдиришга муносиб ДС унга вариантдош ва эквивалент бўлган бошқа бирликлардан қулайроқ, тушунарлироқ ва имкониятлироқ бўлиши даркор. Умумхалқ тилида *пайи чўзилмоқ*, *мускули (эти) лат емоқ* каби бир неча сўз билан ифодаланувчи жароҳатни номлайдиган *тойишмоқ* ДСи ана шундай хусусиятларга эга. Бу сўз бошқа эквивалентларга нисбатан анча қулайлиги билан ажралиб туради ва бу унинг адабий тилга олиб кирилишига имтиёз беради. Худди шу каби вақтинча олинган нарсалар маъносида қўлланилувчи *эрати* сўзи *ижара*, *бировнинг нарсаси* каби бирликлардан анча қулай. Шунингдек, бу сўз кипчоқ ва ўғуз шеваларида фаол қўлланилади ва кўпчиликка тушунарли. Мазкур сўзда “пул тўламасдан фойдаланиш” семаси мавжудлиги унинг *ижара* сўзидан жиддий фарқланишини ҳам кўрсатади. Адабий тил учун танланаётган вариантларнинг ҳар бири ана шундай муқояса жараёнларида ўзларининг имкониятларини тўлароқ намоён этади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатиладиган ва адабий норма сифатида тан олинандиган сўзлар ҳам, аслида, маълум танланишлар натижасидир, Муайян тушунчани ифодаладиган бир неча вариантлар орасидан энг муносибини танлашда, имкон қадар, кенг омма учун тушунарли бўлган вариантни танлаш маъқулроқ. Шунингдек, танлаш жараёнида сўзнинг адабий нормаларга мувофиқ келувчи шакли олинishi лозим²⁵. Зеро, танланган сўзнинг адабий тил бирлиги даражасига кўтарилиши унинг адабий меъёрларга мувофиқ кела олишига

²⁴ Сат Ш.Ч. Формирование и развитие тубинского национального литературного языка. – Кызыл, Тувкнигоиздат, 1973. –С. 97.

²⁵ Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси (адабий норманинг шаклланиши ва яшаш қонуниятлари). – Т., 1999. – Б.42-51.

боғлиқдир.

6. Лексик лакунани тўлдиришга муносиб деб баҳоланган ДС адабий тилда унга муқобил сўз мавжуд бўлган тақдирда адабий тил лексикасига киритилмаслиги лозим. Масалан, шеваларда кучли совуқ натижасида дарахт шохларида нам, ҳаво зарраларининг музлашидан ҳосил бўлувчи *қировни* аташ учун қўлланувчи *сир* ДСи адабий тил бирлиги сифатида баҳоланмаган²⁶. Чунки бу тушунчани *булдуруқ* сўзи ҳам ифодалай олади. Демак, *сир* сўзини адабий тил лексикасига киритишга эҳтиёж йўқ.

7. Ўзга маданият(лар)дан кириб келган тушунчаларни номлашда ҳам ДСларни тикиштиравериш ўзини оқламайди. Чунки аксар ҳолларда бундай тушунчаларни “ифодалаш учун диалектал сўзларни қўллаш имконияти бўлмайди”²⁷. Шу боис мазкур тушунчаларни калка ва ясама сўзлар билан номлаш қулайроқ. Айрим ҳолларда эса бундай тушунчалар тилга ўз номи билан бирга кириб келади. Тилимиздаги кўплаб неологизмлар “ҳаёт”ини кузатиб бунга амин бўлиш мумкин. Ўтган аср бошларида, шунингдек, охирларида тилимизни ўзбекчалаштириш мақсадида амалга оширилган шу хилдаги баъзи уринишлар самарасиз бўлганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, мустақиллик йилларида айрим “тил фидойи”лари томонидан тавсия этилган ва маълум муддат матбуотда қўлланилган *учоқ*, *тайёра*, *билимгоҳ* (институт), *ҳужжатасровхона* (архив), *ойбитик* (журнал), *овознигор* (радио) каби сўзларнинг тилда муқимлаша олмагани кўпчиликка маълум.

8. Адабий тилда ўз номига эга бўлган, бироқ муайян нутқ услуби учун лакунар бирлик ҳисобланувчи, яъни тегишли услубий хосланган сўз билан номланмаган тушунча ҳам унга бўлган кучли коммуникатив-информатив эҳтиёж сабаб лакуна сифатида баҳоланиши мумкин. Бу каби ҳолатларда тегишли тушунчани номловчи шевалардаги услубий, синонимик вариант(лар)ни адабий тилга қабул қилиш зарурати пайдо бўлади. Мазкур жараёнда қўлланиш учун олинаётган ДС адабий тилдаги сўзга айнан лексик дублет бўлмаса ёки адабий тилдаги маънодошидан муайян қирраси ҳамда услубий жиҳатлари билан фарқлансагина уни адабий тилга олиб кириш мумкин. Масалан, *нолиш* сўзига маъноси яқин *сарданиш* ДСи турк-калтатой шеваларида “ўз аҳволидан шикоят қилиш” маъносига эга. Мазкур ДСда “норозилик билдириш” семасининг кучсизлиги, шунингдек, “нола, фиғон” маъноларида қўлланмаслиги унинг нолиш сўзидан фарқланишини кўрсатади. Бу эса унинг адабийлашув имкониятини оширади.

ДСларнинг адабий тилдаги лексик лакунани тўлдиришда бошқа муқобил вариантлардан устунлигини кўрсатувчи ва шу жиҳатдан уларга муайян имтиёзлар берувчи жиҳатлар ҳам бор. Хусусан, муайян ДСнинг адабий, тарихий ва бошқа ёзма манбаларда қўлланганлиги, кўпгина шеваларда учраши, фарқланиши зарур бўлган тушунчаларни номлай олиши, адабий тилдаги парадигмадошларининг муҳим ва бетакрор унсури (жуфти) бўла олиши унинг адабийлашувига имтиёз беради.

²⁶ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Т.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2020. – Б.520.

²⁷ Совет даврида ўзбек адабий тилининг таракқиёти. III томлик. 3-том (сўз ясалиши ва лексика) – Т., 1991. – Б.150.

Мисол учун халқ шеваларида қўлланилувчи *ёққич* (Шаҳрисабз шеваси), *жэқуч* (ЎХШЛ, 99) сўзига диққат қаратайлик. Бу сўз халқ турмушида кўп вақтдан бери муҳим ўрин олган *включатель* тушунчасини ифодалашда катта имкониятларга эга. Маълумки, чироқни ёқиш ва ўчириш тугмаси узоқ йиллардан буён ўзининг муносиб номини тополмайди. Илмий манбаларда (асосан, физика соҳасида) уни *калит* деб номласалар-да, бу атама бошқа маъно ташиганлиги боис мазкур тушунчани аниқ ва махсус номлашга муносиб эмаслигини кенг омма нутқида бу сўз ишлатилмаётганидан ҳам сезиш мумкин. Тилда учрайдиган бу каби вазиятларда халқ шеваларига мурожаат қилиш ўринли. Айни ҳолатда *включатель* ўрнига *ёққич* бошқа бирликларга нисбатан имтиёзли ҳисобланади.

Ҳар қандай ДСни адабий тил лексикасига олиб кириш лексик сатҳда адабий нормани бузиш билан бирга тил лексикасида муайян тартибсизликни юзага келтириши мумкин. Шу боис тилдаги лакуналарни ДСлар билан тўлдиришда адабий тил меъёрларига, талабларига, ДСнинг лакунани тўлдиришга муносиб деб қаралишини чекловчи бир қатор омилларга жиддий аҳамият бериш лозим.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тил лексикасининг ички манбалар ҳисобига бойишида тил тараққиётининг муайян давридаги лексик, семантик ўзгаришлар чуқур ўрганилиб, давр ва жамият талабларига мос мезонларни ишлаб чиқиш мумкин. Бу мезонлар қанчалик илмий, амалий ва аҳамиятли бўлиши жамоатчиликнинг иштироқи ва ташаббускорлигига боғлиқ бўлади. Энг муҳими, ишлаб чиқиладиган мезонлар тилнинг тадрижий ривожланиш тамойилларига ҳамоҳанг бўлиш билан бир қаторда тилнинг софлигини сақлаш учун етарли даражада асосланган бўлиши керак.

